

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МИСОЛИДА

Саидова Наргиза Шовхи қизи

Тошкент давлат юридик университети, Бизнес ҳуқуқи магистранти

Аннотация:

Жамиятимиз ижтимоий ҳаёти ва инфратузилмасининг етакчи тармоғи ҳисобланган транспорт, хусусан темир йўллар соҳасини ривожлантириш, ташишларда қулайлик ва юқори хавфсизликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Транспорт хизматлари ва инфраструктурага талабни ошириш ва бу соҳадаги лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан маблағларни чегараланганлиги сабабли давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширишга талаб жадал ошмоқда. Бу эса ўз ўрнида соҳани ҳар томонлама изчил ўрганишни талаб этмоқда.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, иқтисодий ва ҳуқуқий асослар, транспорт, темир йўл, хусусийлаштириш, инфраструктура.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 ноябрдаги тегишли фармони билан Ўрта Осиё темир йўли базасида Ўзбекистонда илк “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акциядорлик компанияси ташкил қилинди.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 2 мартдаги “Темир йўл танспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2815 Фармони бажариш юзасидан ва “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясининг бошқарув тизимини такомиллаштириш, темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, тармоқ корхоналарини ривожлантириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сонли қарори ишлаб чиқилган.

Қарорда бир қатор масалалар кўриб чиқилган. Унга кўра “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раис ва унинг 4 нафар ўринбосаридан, шу жумладан 1 нафар бош менежер, 2 нафар бош муҳандисдан ва раиснинг 1 нафар биринчи ўринбосаридан иборат бўлади. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясини очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш қарорининг энг асосий мақсадларидан биридир. Қарорда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК таркибидаги корхоналар рўйхати келтирилган.

Шу жумладан, хусусийлаштирилиши керак бўлган корхоналар рўйхати ва уларнинг неча фоизи давлат таркибида эканлиги, уларни расмийлаштириш тартиби яъни уларни акциялаштириш ва акцияларни кимга сотиш кабилар келтириб ўтилган. Мазкур қарорга мувофиқ ташкил этиладиган Ягона диспетчерлик маркази, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисидаги фармони, ПФ-982, 07.11.1994

компаниясининг йўллардан фойдаланиш ва уларни сақлаш, энергия билан таъминлаш, сигнализация ва алоқа тизимлари, ташиш ҳужжатларини қайта ишлаш, локомотив хўжалиги, ҳалокат-тиклаш ишлари бўйича функционал таркибий бўлинмалари хусусийлаштирилмайди. Қарорга мувофиқ, чиқарилган акциялар давлат мулки ҳисобланади ва уларни ўзгага сотиш ёки гаровга қуйиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, қарорда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК таркибидаги корхоналардан олинган солиқлар ва турли тўловларни ишлаб чиқиш кераклиги санаб ўтилган. Қарорда солиқ солинмайдиган жараёнлар ҳам келтириб ўтилган, яъни “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси тизимига кирадиган корхоналар ўртасида мол-мулкни бепул беришда даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича марказлашган тартибдаги ҳисоб-китобларда қабул қилувчи ва берувчи томонлар фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғи солиш объекти ҳисобланмаган.

2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган ва Вазирлар Маҳкамасининг темир йўл транспортини ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастурига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат унитар корхонаси, 100% давлат улуши бўлган очик акциядорлик жамиятига айлантирилган бўлиб, 2015 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4720 сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида 2015 йил 3 апрелдаги компания Кенгаши ва ягона акционер умумий йиғилишида “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик Жамиятига ўзгартирилди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58 моддасига мувофиқ жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати акциядорлик жамияти мақомига эга бўлди – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти.

Темир йўл транспорт тармоқининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- ягона темир йўл транспорт тармоғини тузиш;
- темир йўлнинг участкаларини электрлаштириш ва модернизация қилган ҳолда темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш;
- ҳаракат таркибини тамирлашнинг ўз базасини ривожлантириш;
- ҳаракат таркибини тиклаш ва янгилаш;
- транзит юк ва бошқа қўшимча ҳажмларни жалб қилиш;
- жаҳон бозорига чиқиш ва республиканинг экспорт потенциалини оширишни таъминловчи муқобил транспорт йўлакларини излаш.²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармонининг ижроси, шунингдек, жамиятни корпоратив бошқаришнинг тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури бўйича ягона акциядорнинг вакили – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ да давлатнинг ишончли вакили сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ташкилий тузилмаси тасдиқланган ва унинг таркибига қуйидагилар кирган:

² Ўзбекистон темир йўллари АЖ нинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида, www.railway.uz

15 та унитар корхона, 8 та акциядорлик жамияти, шунингдек, ижтимоий инфратузилманинг 33 та муассасаси ҳам киради.

Республикамизда 2018 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980 сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил қилинган. Агентлик давлат муассасаси мақомига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича махсус ваколатли давлат орган этиб белгиланган.

2019-йил 10-майда эса Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ДХШ лойиҳалари ушбу қонун асосида амалга оширилади. Қонуннинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат ҳисобланади, демак Ўзбекистонда ДХШ йўналиши бўйича пул тикмоқчи бўлган инвестор учун бошқа қонуности ҳужжатларни ўқиш камаяди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак. Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда, ихтисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш даркор. Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик муносабатларининг кундан-кунга ривожланиб бораётгани ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотларимизнинг натижаси” эканлиги билдирилган.³

Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Давлат-хусусий шериклик соҳаларида катта натижаларга эришилди мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида даволанишга муҳтож. Шу боис, келгуси йилларда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳалари бошланганлиги, 16 та йирик насос станцияси давлат-хусусий шерикчилик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилиши” билдирилди.⁴

Шу ўринда, хорижий мамлакатларда темир йўлларда давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга оширилган лойиҳаларни кўриб ўтиш мақсадга мувоқиқ ҳисобланади. Франциянинг Réseau Ferre de France (RFF) темир йўл компанияси 2011 йилнинг июн ойида LISEA консорциум билан ДХШ асосида Tours ва Bordeaux ўртасида янги юқори тезликда юрадиган электрлаштирилган Шимолий-Шарқий Атлантика темир йўл линиясини қуриш учун 50 йиллик концессия шартномасини тузди.⁵

Шартномада лойиҳани молиялаштириш, қуриш, дизайнини яратиш, эксплуатацион фаолиятини юритиш ҳамда техник хизмат кўрсатилган. Шу билан бирга шартномада лойиҳани қурилиш даври 6 йил деб прогноз қилинган ва бу давр 50 йилнинг ичида ётади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси: <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

⁵ RR Toolkit EN New 2017 12 27 CASE14 SNCF

Янги темир йўл линиясининг узунлиги 302 км бўлиб, Paris ва Bordeaux ўртасидаги саёҳат вақтини 2 соат 5 дақиқага камайтиради. Йўловчилар бу тезюрар темир йўл орқали кўзланган масофага автомобил ёки ҳаво транспортдан кўра тезроқ етиб борадилар. Лойиҳанинг умумий қиймати

7,8 млрд. евро деб баҳоланган.

Японияда темир йўл компаниялар 3 та категорияга бўлинади:

1. Тўлиқ давлат тасарруфида бўлган темир йўл компанияси;
2. Тўлиқ хусусийлаштирилган темир йўл компаниялари;
3. Давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритадиган темир йўл компаниялари.

Япония темир йўлларида давлат-хусусий шериклик муносабатлари бошқа давлатлардагига нисбатан катта фарқ қилади. Япония темир йўллари даромадининг катталиги ва етарлича фойда келтирганлиги сабабли бу соҳада давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга оширилишига ҳожат қолмайди. Лекин, Япония ҳукумати 1960 йилдан бошлаб бу соҳага хусусий секторни жалб қила бошлаган. Айниқса 1987 йилга келиб, бу йўналишга катта этишга эътибор қарата бошлаган ва давлат-хусусий шериклик тўғрисида қонун ишлаб чиқган. Япония темир йўлларининг бу даражада ривожланганлигига асосий сабаблардан бири ҳам аксарият лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида олиб борилганлигидир.

1960 йилдан ҳозиргача 50 га яқин янги линиялар давлат-хусусий шериклик асосида қурилган. Хусусан, 2002-йилда Manyo Line номли Takaoka, Imizu ҳамда Toyama шаҳарларини боғлаб турувчи янги темир йўл линияси ҳамда 2003-йилда Echizen Railway, 2008 йилда The Hitachinaka Seaside Railway ва 2015-йилда The Yokkaichi Asunaro Railway темир йўл линиялари энг катта давлат-хусусий шериклик асосида қурилган лойиҳалар ҳисобланади.

Хитойнинг темир йўл соҳасидаги биринчи давлат-хусусий шериклик лойиҳаси Шарқий Хитойнинг Zhejiang вилоятида амалга оширилган. Бу юқори тезликда ҳаракатланганишга мўлжалланган темир йўл линиясининг умумий узунлиги 269 км бўлиб, Zhejiang вилоятида Hangzhou, Shaoxing ва Taizhou шаҳарларини боғлайди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 44,9 млрд юан бўлиб, 51 фоизи хусусий инвесторлар томонидан молиялаштирилган. Хусусий инвесторлар Fosun Group ва Zhejiang Wanfeng Auto Holding Group ҳамда Zhejiang Geely Holding Group компаниялари ҳисобланади.⁶

Нидерландия транспорт вазирлиги юқори тезликда ҳаракатланиш учун мўлжалланган HSL Zuid номли электрлаштирилган янги темир йўл линиясини қуриш лойиҳасини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш мақсадида хусусий сектор билан 25 йиллик шартнома тузади. Линиянинг умумий узунлиги 125 км бўлиб, бу линияда максимум соатига 300 кмгача тезликда ҳаракатланиш мумкин.

Мамлакатимизнинг Осиё қитъасида муҳим аҳамиятга эга транзит давлат эканлигини ҳисобга олсак, транспорт инфраструктурасини янада яхшилаш, халқаро стандартларга жавоб берадиган транспорт терминаллари қуриш, темир йўл участкалари ва аэропортларни модернизация қилиш талаб этилади. 2000 йилларда жами темир йўллар 6 100 кмни ташкил

⁶ China's first Public-private partnership project in railway sector, <https://www.railjournal.com/passenger/high-speed/chinas-first-privately-funded-high-speed-line-opens/>

этган бўлса ундан 57,4% ини умумфойдаланишдаги йўллар 43,6% идоровий йўллар бўлган. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 2020 йилга келиб атиги 100 км ошган.

Бу жуда ҳам паст кўрсаткич эканлиги, давлат бюджети ва темир йўл ташкилотларининг ўз маблағлари бу кўрсаткичларни тезкор кўтаришга ва йўллар ҳажмини иширишга етмаслиги келиб чиқади. Ушбу ҳолат ҳам транспорт соҳаси учун давлат-хусусий шерикликни жорий этиш энг истиқболдаги ва устувор вазифалардан ҳисобланади. Сабаби, давлат-хусусий шериклик хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали усулдир, чунки бу турдаги шериклик нафақат шаҳар, минтақа ва шунингдек мамлакат иқтисодиётининг ўсишига ҳисса қўшиши, балки ижтимоий аҳамиятга эга инфратузилмани ривожлантириши мумкин.

Республикада ва бошқа давлатларда олиб борилаётган ишлар шуни кўрсатадики транспорт инфраструктурасини яхшилаш ўзида жуда ҳам катта маблағлар ва вақтни талаб этади. Шу боисдан транспорт тизимини, айниқса темир йўллар соҳасини ривожлантириш учун давлат-хусусий шерикчилик механизмининг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам алоҳида таъкидланган.

2022 йил ҳолатига кўра, мамлакатимизда транспорт соҳасини ривожлантириш соҳасида умумий қиймати 3 666,2 млрд сўмни ташкил этувчи 109 инвестицион лойиҳа мавжуд бўлиб, шундан 2 207,4 млрд сўм “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг улуши ҳисобланади.⁷

Ташқи иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш босқичида қўшма давлат-хусусий корхоналарни (акциядорлик жамияти ёки шерикларнинг ҳиссали иштирокига асосланган бошқа корхоналар шаклида) ташкил қилиш ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Бу каби тузилмаларда давлат органлари бевосита ишлаб чиқариш, маъмурий-хўжалик ва инвестицион фаолиятда иштирок этувчи тўлақонли шерик вазифасини бажаради.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббусига кўра Ўзбекистон темир йўллари компаниясини ривожлантириш ва хусусийлаштириш мақсадида трансформация қилиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада Германиянинг “Deutsche Bahn” ва АҚШ нинг “Boston Consulting Group” халқаро консультантлари билан биргаликда “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасидаги таркибий ислохотларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, тез кунларда амалга оширилиши кутилмоқда.

Ушбу лойиҳага асосан қуйидаги йўналишлар компанияни трансформация қилиш бўйича назарда тутилган:

- ўзининг йўловчи ва юк вагонларига эга хусусий операторлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда темир йўл транспорти хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга қаратилган шаффоф ва мослашувчан тариф тизимини яратиш йўли билан тариф сиёсатини такомиллаштириш;

- темир йўл транспорти корхоналарида операцион ва бизнес жараёнлар самарадорлигини ошириш, шу жумладан, хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни рақамли трансформация қилиш йўли билан интеграциялаш;

⁷ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2023 йил учун Бизнес режаси

- темир йўл орқали ички ва халқаро юк ҳамда йўловчи ташувларини давлат-хусусий шериклик ёки франшиза асосида хусусий секторга бериш.

Бундан ташқари, ҳозирда республикада темир йўл транспортини жадал ривожланиши ҳудудларнинг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида истиқболда “Тошкент-Самарқанд” йўналишида юқори тезликда алоҳида йўловчи ташиш темир йўл линиясини қуриш лойиҳасини дастлабки ўрганишлар натижасида давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида қурилиши режалаштирилмоқда.⁸

Олиб борилган изланишларга асосланган ҳолда, давлатимизда темир йўл соҳасининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва иқтисодий-ижтимоий устуворлиги эътиборга олинган ҳолда, темир йўлларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришда қуйидаги амалда тадбиқ этиш учун таклифлар берилади:

1) Инфратузилма соҳаларида шериклик учун махсус ҳуқуқий асос ва қонунчилик меъёрларини ишлаб чиқарилиши. Жорий қонун нормалари ва ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиб, узоқ муддатли шартномалар ва солиқ тизимига керакли ўзгаришларни киритиш мақсадида, мулк эгалиги ва шартномаларнинг қонунга мослигини таъминлаш энг зарур қадамдир. Ўз-ўзидан бу ҳам инвесторларга ҳам ҳукуматга аниқлик ва ишонч беради.

2) Шаффофлик. Тендер жараёнидан бошлаб шартнома охирига етгунга қадар бўлган жараён ҳаққоний ва шаффоф бўлиши зарурдир. Фақат ошкора жараёндагина самарадор тежаш механизмларни аниқлаштириш ва хусусий сектор билан давлат сектори орасида бир-бирига ишончни таъминлаш мумкин бўлади.

3) Давлатнинг шерикчиликни узоқ муддатли мажбурият деб қабул қилиши. Бу ташаббуснинг реализацияси давлат бу масалага қанчалик жиддийлигини кўрсатади. Мисол учун давлат бир икки лойиҳа билан чиқиб уларни ярим йўлда ташлаб кетса, келажакда бу каби шартномаларга шерик топиши қийин бўлади.

4) Алтернатив молиялаштириш манбаларини топиш ёки яратиш. Агар хусусий молия молия бозори давлат учун қимматлик қиладиган бўлса, унда давлат сармоянинг бир қисmini ўзи таъминлаб, ўз лойиҳасида молиявий шерик бўлиб кириши ёки алтернатив ва арзон молия манбаини топиш ва яратиш орқали нархни янада арзонлаштириши мумкин. Масалан инвестиция жамғармаси қуриб ўз лойиҳасига ўзи кредит бериш йўли билан амалга ошириши мумкин.

5) Риск тақсимооти бошқаруви. Мавжуд бўлган рисклар доим қайта кўриб чиқилиши шарт. Риск тақсимооти жараёнида ҳар икки тараф ўз зиммасига энг оптимал шаклда бошқара оладиган риск миқдорини олиши шарт. Акс ҳолда бир тараф зарар кўради ва бу келажакда давлат билан хусусий сектор ўртасида ишончсизликка олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-537-сон 10.05.2019
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисидаги фармони, ПФ-982, 07.11.1994

⁸ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2023 йил учун Бизнес режаси

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Темир йўл транспорти монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фамрони, ПФ-2815, 2.03.2001.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ПК-4720
5. Hamroyeva Sh.Sh., & Muhidova G. (2018). PEDAGOGICAL AND METHODOLOGICAL PRINCIPLES OF TEACHING ENGLISH TO YOUNG LEARNERS. Мировая наука, (5 (14)), 37-39.
6. Hamroyeva Sh.Sh. (2018). SIR WALTER SCOTT'S ARTISTIC SKILL IN THE EXPRESSION OF HISTORICAL FACTS AND LITERARY FICTION IN HIS HISTORICAL NOVELS. Мировая наука, (5 (14)), 35-37.
7. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2023 йил учун Бизнес режаси
8. RR Toolkit EN New 2017 12 27 CASE14 SNCF
9. Ўзбекистон темир йўллари АЖ нинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида, www.railway.uz
10. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайти: <https://www.pppda.uz/legislation>
11. Raxmonov, E. K. o'g'li, Qobilov, F. S. o'g'li, & Berdimuradov, X. T. o'g'li. (2023). RESPUBLIKAMIZDA YETISHTIRILAYOTGAN BUG'DOY DONLARINING FIZIK-KIMYOVIY KO'RSATKICHLARINING TAHLILI. ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 2(2), 95–101. Retrieved from <http://ilmiytadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/144>
12. Qobilov, F. S. o'g'li, & Raxmonov, E. K. o'g'li. (2023). NON MAHSULOTLARINI TAYYORLASHDA QURUQ KLEYKOVINADAN QO'SHIMCHA SIFATIDA FOYDALANISH. ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 2(2), 58–63. Retrieved from <http://ilmiytadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/139>
13. Sattorova, K. A. qizi, & Raxmonov, E. K. o'g'li. (2022). NON MAHSULOTLARINI SIFATINI OSHIRISHDA QO'LLANILADIGAN QO'SHIMCHALAR. INTERNATIONAL CONFERENCES, 1(1), 29–31. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/cf/article/view/230>
14. O'G'Li, X. T. X., Berdimuradov, E. K. O. G. L., BUG'DOY, R. N. U. T., & ASOSLASH, N. T. V. CARJIS. 2022.№ 10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/navli-un-tortishda-bug-doy-navlarini-tanlash-va-asoslash> (дата обращения: 29.03. 2023).
- 15.